

Авазов Шукрулло Ибатович
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси
Email: Avazov2020@mail.ru

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада аҳоли орасида жисмоний тарбияни ривожлантириш, оммавий ва миллий спортимизнинг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва мазкур соҳада юқори натижаларга эришган ёшларни қуллаб-қувватлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ҳамкорлик, спорт соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимидаги долзарб вазифалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш, ҳамкорлик, оммавий ва миллий спорт, соғлом турмуш тарзи, машғулот, мусобақа, селекция ишлари, тренер- селекционер, мутахассис, саралаш.

ФАКТОРЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ В ОБЛАСТИ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА

АННОТАЦИЯ: В данной статье описывается развитие физического воспитания среди населения, роль массового и национального спорта в жизни нашего общества, а также уникальные особенности системы поддержки молодежи, добившейся высоких результатов в этой области. Также освещено международное сотрудничество в сфере физического воспитания и спорта, совершенствование подготовки кадров в сфере спорта, текущие задачи в системе подготовки высококвалифицированных специалистов.

Ключевые слова: Физическое воспитание и спорт, фитнес, кооперация, общественный и народный спорт, здоровый образ жизни, дрессировка, соревнование, селекционная работа, тренер-селекционер, специалист, селекция.

Бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт нафақат миллат саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатни бутун дунёга танитиш воситаси бўлибгина қолмай, балки иқтисодиётнинг салмоқли фойда келтирувчи тармоғига ва шу билан бир қаторда мамлакат куч-қудрати ва равнақи учун энг асосий восита-омилга айланмоқда. Шу мақсад ва жамият талабига кўра бугунги кунда ёшларга кенг имкониятлар бериш, шароитлар яратиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом қилиб, юксак маънавиятли инсон қилиб тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт тизими оммавийлигига катта аҳамият бериш, жисмоний тарбияни ривожлантириш ёшлар орасидан энг иқтидорли ва истеъдодли спортчиларни саралаш, оммавий спортнинг жамиятимиз ҳаётидаги ролини кучайтириш, шунингдек халқаро мусобақаларда спортчиларимиз ютуқлари салмоғини оширишга эришиш олдимизда турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат

дастури тўғрисида”ги Фармонининг 232-бандида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали тренерлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазифалар белгиланган эди. Бу бўйича қабул қилиниши назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиалини ва илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини университет тасарруфига бериш масаласи кўзда тутилганди. Шунингдек, таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори натижаларга эришган ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимининг ҳамда хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги ушу Қарор ижросидаги асосий мақсадлар натижаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 ноябрда қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан Давлат дастурида белгиланган ушбу вазифаларнинг ижроси таъминланиши баробарида, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ҳамда спортни оммалаштиришга қаратилган қатор масалалар ўз ечимини топадиган бўлди. Бу Қарор ижроси юзасидан республикада олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Шунингдек, хизматлар ва соғломлаштириш тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этиш, илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда спорт соҳасига йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш; ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни кенг жалб этиш мақсадида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳаларидаги республика ва хорижий етакчи олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тизими йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид бир қанча ривожланган мамлакатлар билан спорт соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик асосида оммавий ва миллий спорт турларини ривожлантириш учун халқаро ҳамда маҳаллий илмий ва амалий грант лойиҳаларини жалб этилди. Бунинг натижасида жойларда юқори малакали спортчиларнинг ўқув машғулоти йиғинларини ўтказиш даврида етакчи мутахассислар томонидан комплекс илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва инновацион технологияларни кенг қўллаш юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёш истеъдодларни аниқлаш ва кашф этиш мақсадида вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси, туманларда спорт мусобақалари, селекция ишларини ташкил этилди ва бунга ўз соҳасининг етакчи мутахассислари, тренер-селекционерлар жалб этилди.

Юртимизда бу каби тизимли ишлар кўлами республикаимиздаги таълимнинг барча турлари (мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим, шунингдек мактабдан ташқари, спорт таълими) учун жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича таълим стандартлари ва фан дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, шу жумладан аудио, видео ва электрон дарсликлар, онлайн дарслар ҳамда бошқа турдаги илмий-методик материаллар тайёрлаш соҳасида ҳам ижобий ва амалий ишлар салмоғи ортиб бормоқда. Мухтасар айтганда, мазкур Қарор Давлат дастури ижросини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Бугунги кунда бу каби ҳуқуқий меъёрий ва амалий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг ҳаётимизга жорий этилиши жисмоний тарбия ва спорт умуммаданиятнинг муҳим тармоғи сифатида аҳолининг саломатлиги ва иш қобилиятини оширишга хизмат қилувчи муҳим омилга айланишига сабаб бўлди. Унинг негизда инсон тарбияси, жисмоний баркамоллик, маданий дам олиш каби ижтимоий – тарбиявий кадрлар тайёрлаш, спорт иншоатларини кенгайтириш, турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш, уларга оммани жалб этиш мазмун жиҳатидан катта фаолиятларни ташкил этиш орқали мамлакатда ёш авлод тарбиясида муҳим воситага айланди. Бунинг ижобий ва амалий натижаси ўлароқ юртимизда иқтидорли ёшларни танлаш, спортга бўлган қобилият ва қизиқишлари асосида уларни синов – тажрибалардан ўтказиш, спорт маҳорати билан қуроллантиришдек муҳим ва масъул фаолиятлар тизими янада раванқ топмоқда. Демак, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш тизимидаги саъйи-ҳаракатлар кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ва миллий спортни янада ривожлантириш, жойларда спорт турларига етарлича шарт-шароитлар яратилиб, ишлаб чиқариш меҳнат жараёнларида (саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказо) инсон саломатлигини яхшилаш, аҳолини соғломлаштириш, уларнинг меҳнат қобилиятини ошириш ва энг муҳим жисмоний чиниқиш масалалари яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи газетаси. 08.02.2017.
2. Алламуратов Ш.И. Физиология ва спорт физиологияси. Дарслик. Тошкент, «Турон-Иқбол», 2010. - 216 бет.
3. Махкамджонов К.М. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси Тошкент., “Иқтисод -молия”, 2008 йил.

4. Машарипов Ф.Т. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти жараёнида ахлоқий тарбия. Урганч., “Илм сарчашмалари”, 2015. 2-сон, 90-93 бетлар.